



ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҶАСИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИ ИМКОНИАТЛАРИ (САМАРКАНД ВИЛОЯТ МИСОЛИДА)

Мирзаев Қулмамат Жанузакович

и.ф.д., проф.

Садинова Бахора Боймурзоевна

ТДИУ СФ ИКТМ 121 гуруҳ магистри
<https://doi.org/10.5281/zenodo.8042986>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 08-June 2023 yil

Ma'qullandi: 10-June 2023 yil

Nashr qilindi: 15-June 2023 yil

KEY WORDS

реал сектор, аҳоли
фаровонлиги,
ишбилармонлик
муҳити, инвестиция,
инновация,
модернизациялаш,
диверсификациялаш,
тадбиркорлик, бизнес.

ABSTRACT

Ҳозирги мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификациялаш ва энг муҳим тармоқларни модернизациялаш жараёнида хизматлар бозорини доимий равишда ўзгариб борувчи бозор муносабатлари шароитида барқарор иқтисодий ривожланиши уларнинг хўжалик фаолиятлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришни зарурат этади. Чунки хизматлар бозори фаолиятлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш интенсивлигини таъминлаш ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка эришиш, ходим меҳнатидан фойдаланиш самарадорлиги ва хизмат кўрсатиш сифати ҳамда унинг натижадорлигини ошириш, истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш масалалари соҳанинг ўзига хос муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунингдек маҳаллий корхоналарнинг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ва шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш бугунги куннинг долзарб вазибаларидан биридир.

Ҳозирги мамлакатимиз иқтисодиётини диверсификациялаш ва энг муҳим тармоқларни модернизациялаш жараёнида хизматлар бозорини доимий равишда ўзгариб борувчи бозор муносабатлари шароитида барқарор иқтисодий ривожланиши уларнинг хўжалик фаолиятлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштиришни зарурат этади. Чунки хизматлар бозори фаолиятлари самарадорлигини оширишнинг ташкилий-иқтисодий механизми билан боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш интенсивлигини таъминлаш ресурслардан фойдаланишда тежамкорликка эришиш, ходим меҳнатидан фойдаланиш самарадорлиги ва хизмат кўрсатиш

сифати ҳамда унинг натижадорлигини ошириш, истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш масалалари соҳанинг ўзига хос муаммоларидан бири ҳисобланади. Шунингдек маҳаллий корхоналарнинг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ва шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Республикада барқарор ва ижтимоий йўналтирилган иқтисодий самарали ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган иқтисодий ислохатлар бугунги кунда ўз натижаларини бермоқда

Хизмат кўрсатиш соҳаси моҳияти ва мазмунига кўра, замонавий ҳаёт сифатини таъминлаш билан боғлиқ бўлган инсон капитали ривожланишига шарт-шароит яратиш ҳамда меҳнат тақсимотининг нисбатан юқори даражага ўтишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган инсон фаолиятининг турли кўринишларини ва йўналишларини ўз ичига олади.

2022 йил 1 апрелдан 2025 йил 1 январга қадар қуйидаги хизматлар кўрсатувчи тадбиркорлик субъектлари учун ижтимоий солиқ ставкаси 1% этиб белгиланади:

- чакана савдо ва умумий овқатланиш;
- меҳмонхона (жойлаштириш) хизматлари;
- автотранспортда йўловчи ва юк ташиш;
- транспорт воситаларини таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатиш;
- компьютер хизматлари;
- маиший техникани таъмирлаш;
- агро ва ветеринария хизматлари;
- кўнгил очар масканларда хизматлар.

Бунда имтиёз тадбиркорлик субъекти томонидан, агар унинг кўрсатилган фаолият турларини амалга оширишдан олган даромадлари жорий ҳисобот (солиқ) даври якунлари бўйича жами даромаднинг камида 60%ини ташкил эса, қўлланилади. Тадбиркорлик субъектлари томонидан ходимлар сонини яшириш ҳолатлари аниқланганда, имтиёзнинг амал қилиши тўхтатилади ҳамда қонунчиликда белгиланган молиявий санкциялар қўлланилади.

Тадбиркорлик субъектларига 2027 йил 1 январга қадар меҳмонхона (жойлаштириш воситалари) ва майдони 5 минг кв. метрдан юқори бўлган савдо комплекслари (шу жумладан, улар эгаллаган ер участкалари) бўйича юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаларини 90%га камайтиришга рухсат берилди.

Хизматлар соҳаси бу — корхоналар, ташкилотлар, шунингдек, жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хил хизматлар, ишлаб чиқаришни ўз ичига олган умумлаштирилган тоифадир.

Ҳудудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг асосий кўрсаткичлари

<i>Ҳудудларнинг номи</i>	<i>Ҳажм, млрд.</i>	<i>Умумий ҳажмга нисбата</i>	<i>Ўсиш суръати, % да</i>
--------------------------	------------------------	--------------------------------------	-----------------------------------

	сўмда	н улуши, % да	2021 й.	2020 й.
Ўзбекистон Республикаси	357 554,5	100,	115,9	119,5
2)		0		
Қорақалпоғистон Респ.	10 421,9	2,9	115,7	121,5
<i>вилоятлар:</i>				
Андижон	17 642,4	4,9	112,9	118,3
Бухоро	15 780,0	4,4	115,8	118,0
Жиззах	7 984,0	2,2	115,7	117,8
Қашқадарё	15 945,8	4,5	114,1	114,4
Навоий	9 247,2	2,6	114,2	118,3
Наманган	14 722,6	4,1	116,6	119,7
Самарқанд	22 734,9	6,4	114,9	119,0
Сурхондарё	12 878,0	3,6	114,5	120,1
Сирдарё	5 029,8	1,4	112,5	118,8
Тошкент	25 994,9	7,3	113,2	117,8
Фарғона	21 960,3	6,1	114,5	117,4
Хоразм	10 303,2	2,9	114,6	118,9
Тошкент шаҳри	137 358,1	38,4	118,2	123,4

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида бозор хизматларининг умумий ҳажмида Тошкент шаҳрининг улуши 38,4 %, яъни 137 358,1 млрд. сўмни ташкил этди. 2021 йилга нисбатан ушбу ҳудудда ўсиш суръати 118,2 % га етган.

Сирдарё вилоятида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 5 029,8 млрд. сўмни ёки жами хизматлар ҳажмининг 1,4 % ини ташкил этди. Ўсиш суръати 112,5 % га етди.

Хизматлар соҳасининг ривожланиши аҳолининг ҳудудий ва ижтимоий, янги иқтисодий ҳудудларни ўзлаштиришни, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишни ва моддий неъматларни истеъмол қилишни таъминлайди.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 10 030,1 минг сўмга етди. 2021 йилга нисбатан ўсиш суръати 113,5 % ни ташкил этган.

Хизматлар соҳаси аҳолининг барча қатламларини қамраб олади ва жамиятда рўй бераётган деярли барча ижтимоий-иқтисодий жараёнларга таъсир қилади, бу эса ушбу масаланинг долзарблиги ва аҳамиятини белгилайди.

Бозор муносабатларининг ривожланиши, шунингдек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар шароитида хизматлар соҳасида сезиларли ўзгаришлар кузатилмоқда.

2018 йилга нисбатан (150,9 трлн. сўм) 2022 йил январь-декабрь ойларида (357,6 трлн. сўм) кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 206,7 трлн. сўмга ошди. 2018- йилдан 2022 йилнинг январь-декабрига қадар бўлган даврда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати 175,9 % га етди.

Кўриб чиқилаётган даврларда кўрсатилган бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш омили молиявий хизматлар (59,1 трлн. сўмга), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари

(12,6 трлн. сўмга), таълим хизматлари (10,0 трлн. сўмга) каби хизматлар ҳажмининг ўсишидир.

2018-2022- йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг асосий кўрсаткичлари динамикаси



Постиндустриал трансформация хизматлар соҳасини дунёнинг барча ривожланган ва бир қатор ривожланаётган мамлакатларда ЯИМ ҳажми бўйича етакчига айлантирди. Масалан, Россия ва Қозоғистонда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши 53 % дан ортиқни ташкил этди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари

Хизмат турларининг номи	Хизматлар ҳажми, млрд. сўмда		Улуши, % да	Ўсish суръати, % да
	2021 й.	2022 й.		
Хизматлар – жами	284 388,1	357 554,5	100,0	115,9
<i>шу жумладан асосий турлари бўйича:</i>				
алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	17 755,1	22 917,6	6,4	125,5
молиявий хизматлар	59 733,3	80 431,0	22,5	129,3
транспорт хизматлари	67 202,9	81 006,6	22,7	112,4

шу	жумладан:				
автотранспортхизматлари		36 253,3	41 318,3	11,6	106,5
яшаш ва овқатланиш хизматлари		8 375,4	11 322,8	3,2	114,7
савдо хизматлари		72 483,2	88 847,9	24,8	109,0
кўчмас мулк билан боғлиқхизматлар		8 081,1	9 674,3	2,7	111,1
таълим соҳасидаги хизматлар		12 102,6	15 395,7	4,3	115,3
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар		5 105,9	6 384,2	1,8	111,5
ижара хизматлари		5 351,0	6 444,3	1,8	112,2
компютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар		4 680,5	5 842,3	1,6	109,0
шахсий хизматлар		6 799,8	8 713,9	2,4	107,0
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар		6 306,8	7 338,2	2,1	107,7
бошқа хизматлар		10 410,5	13 235,7	3,7	117,0

2022 йил январь-декабрь ойларида иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида савдо хизматлари 24,8 %, транспорт хизматлари – 22,7 %, молиявий хизматлар – 22,5 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари – 6,4 %, таълим соҳасидаги хизматлар – 4,3 % ни эгаллайди.

Таққослаш учун: 2021 йилда хизматларнинг умумий ҳажмида савдо хизматлари 25,5 %, транспорт хизматлари – 23,6 %, молиявий хизматлар – 21,0 %, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 6,2 %, таълим хизматлари – 4,3 % ни ташкил этди.

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида сервис хизматлари сони ва сифатига қўйилаётган талаблар ошиб бормоқда. Ривожланган давлатлар тажрибасининг қўлланилиши хизматларга бўлган талабнинг ошишига олиб келди. Бу ўз навбатида истеъмол бозори таркибида ўзгаришларни вужудга келтирди. Аҳолининг айрим қатламлари моддий фаровонлигининг ошиши натижасида хизматларга ўзларининг талаблари ва эҳтиёжлари мавжуд бўлган истеъмолчиларнинг янги категорияси вужудга келди. Моддий жиҳатдан таъминланган истеъмолчилар ўзларининг ҳаёт қўлайликларини оширишни таъминлайдиган турли ассортиментдаги хизматларга катта талабгор ҳисобланишади. Шу сабабли айрим хизмат кўрсатиш корхоналари ўз фаолиятларини айнан аҳолининг шу талаблари эҳтиёжларини қондиришга қаратадилар.

Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларида меҳнат унумдорлигини ҳисоблашнинг бундай усулини қўллаш қуйидаги сабаблар орқали асосланади, бу хизмат кўрсатиш фаолиятининг бир неча турларида хизматлар яратишнинг натурал кўрсаткичлари қўлланилиши унумдорликни ҳисоблашни мураккаблаштириб қўяди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий химоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора – тадбирлари тўғрисида». «Халқ сўзи» 2007 йил 16 июн.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора тадбирлари тўғрисида» (2008 й. 5 январ). «Ишонч» газетаси 2008 й 6 январ, №3 (2052).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида 2006-2012 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори (2006 йил 17 апрел).
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» (2009 йил 12 ноябр).
6. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 17-сон, 188-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 6 январдаги “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 1-сон, 5-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси. - Т.:“Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси”, 2012.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон - келажаги буюк давлат. Т: Ўзбекистон, 1992.
10. Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устивор йўналишлари. Т: Ўзбекистон, 1993.
11. Каримов И.А. Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Т: Ўзбекистон, 1993.